

Ер юзидаги энг яхши сув



10:30 / 21.06.2021 1959

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ер юзидаги энг яхши сув замзам сувидир. У тўйимли таом ва касалликдан шифодир», дедилар.

Табароний ривояти.

Замзам сувининг фойдаларидан: Замзам суви ўзининг маънавий фойдаларидан ташқари саломатлик учун кўплаб фойдали хусусиятларга эгадир.

— Эрта қаришнинг олдини олади.

— Жисмнинг ҳимоя тизими, иммунитетини кучайтиради.

— Овқат ҳазм қилишга ёрдам беради.

— Саратонга қарши самарали воситалардан бири ҳисобланади.

— Жисм учун фойдали бўлган озуқа моддаларини қонга сўрилиш жараёнини кучайтиради.

— Кўриш қобилиятининг пасайиши, қизамиқ, юрак-қон томир касалликлари, қон босими, қон айланиши хасталикларида самарали ёрдам беради.

Шунингдек, замзам суви қандли диабет, буйрак хасталиги учун ҳам шифодир. Шу билан бирга, суяк ва бўғин касалликлари, ошқозон-ичак касалликлари, ҳазмдаги муаммолар, йўғон ичак муаммолари, қабзият ва яна бир қанча касалликларни даволашда самарали восита ҳисобланади.

Манба: arabic.uz